

“Шеробод пахта тозалаш” АЖнинг
“___” “___” 2022-йилдаги
умумий йигилишида
ТАСДИҚЛАНДИ

Йигилиш раиси _____

“Шеробод пахта тозалаш” АЖ
Кузатув кенгashi мажлисида
МАЪКУЛЛАНГАН

Мажлиса раислик
килувчи  Ф.Курбанов

2021-йил “16” ноябр баён №5



“Шеробод пахта тозалаш” АЖ нинг
2022-йил учун мўлжалланган

**БИЗНЕС
РЕЖАСИ**

Шеробод 2021

М у н д а р и ж а

1. Жамият фаолиятининг мақсади 3- бет
2. Жамият тўғрисида маълумот..... 3 -бет
3. Жамият стратегияси(иш услуби) 4-бет
- 4.Жамиятда кўрсатиладиган хизматлар бўйича маркетинг стратегияси..... 4-бет
5. Корхонанинг ташкилий тузилмаси, жамият фаолиятини ташкил этиш.... 5-бет
6. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва қўшимча харажатлар..... 5-бет

1. Жамиятнинг мақсади

- жамият фаолиятининг асосий мақсадижамиятнинг молия-хўжалик фаолиятидан акциядорлар манфаатлари учун фойда олишdir.

- жамият пахта етиширувчи хўжаликлардан кабул килиб олинган пахта хом-ашёсини сифатли кайта ишлаб жаҳон талабларига ва стандартларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чикариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 105-сон “2011-2016 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини саклашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, қарорига мувофиқ “Ўзпахтасаноа” АЖга қарашли “Шеробод пахта тозалаш” АЖ худудида Хукумат топширикларига асосан ташкил этилган пиллахона, мажмуа, паррандачилик комплекслари, музлатгичларнинг самарали ишлашларини ташкил ва назорат қилиш мақсадида фаолият кўрсатади.

2. Жамият тўғрисида маълумот

1. Жамиятнингномланиши:

Ўзбек тилидаги тўлиқ номи – “Шеробод пахта тозалаш”акциядорлик жамияти;
Ўзбек тилидаги қисқа номи – “Шеробод пахта тозалаш”АЖ;

2.Рус тилидаги тўлиқ номи – Акционерная общество “Шеробод пахта тозалаш”

3.Рус тилидаги қисқа номи – АО“Шеробод пахта тозалаш” ;

4. Ташкилий – хукуқий шакли : акциядорлик жамияти;

5. Юқори ташкилоти: “Ўзпахтасаноат” АЖ Сурхондарёпахтасаноат худудий филиали МЧЖ;

6. Жамиятнинг юридик ва алоқа манзили: Сурхондарё вилоят Шеробод тумани
Мустакиллик кучаси-1 уй;

7. Давлат рўйхатидан ўтган санаси ва рақами : 1994 йил 16-декабрдаги 922-сонли давлат реестрига асосан рўйхатдан ўтган.

8. Хизмат кўрастувчи банки ҳақида маълумотлар: Шеробод Агробанк бўлими, банк коди 00337, x/p 2021000000547158001, ИНН 200497491.

9. Устав фондининг миқдори 7392564,0 минг сўмни 2464188 донани ташкил қиласи ёки устав фонди ташкил қиласи.

Шу жумладан:

• “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ 51,0 %, яъни 1256736 дона акцияга бўлинган ёки 3770208,0 минг сўмни;

• Эркин савдо улуши 49,0 %, яъни 1207452 дона акцияга бўлинган 3622356,0 минг сўмни ташкил этган.

• Акциянинг номинал қиймати 3000 сўмни ташкил қиласи.

3. Жамият стратегияси (иш услуби)

Куйидагилар Жамиятнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

• пахта хом ашёси харид килиш, кайта ишлаш, бозор механизмларини ривожлантириш, жаҳон бозорида ракобатга бардошли юкори сифатли пахта маҳсулотлари ишлаб чикариш ва шу оркали пахта тозалаш корхонасининг иктисодий самарадорлигини кучайтириш ва фойда олиш;

• пахта хом ашёсини харид килиш ва кайта ишлаш юзасидан пахта етиширувчи кишлек хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузиш;

• тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ пахта хом ашёсини харид килиш ва уни белгиланган режа-топширикларга мувофиқўз вактида кайта ишлаш, ишлаб чикарилган пахта маҳсулотларини экспортга ва ички бозор истеъмолчиларига етказиб бериш;

- пахта етиширувчи хўжаликларни пахтанинг жаҳон бозорида харидоргир бўлган селекция навларининг юкори кондицияли уруглик чигитлари билан таъминлаш, пахта хом ашёсининг сифатли кабул килиниши, сакланиши ва кайта ишланишини ташкил этиш;
- пахта хом ашёсини харид килиш, пахта толаси ва бошка пахта маҳсулотлари ишлаб чикириш, истеъмолчиларга жўнатиш ва шу маҳсулотларнинг колдиклари бўйича хисоб-китоб ва хисбот юритиш, пахта хом ашёсини харид килиш, пахта маҳсулотлари ишлаб чикириш хажмлари, уни экспортга ва республика истеъмолчиларига сотиш бўйича маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;
- пахта тозалаш корхонасини техник жихатдан кайта жихозлаш ва ривожлантириш билан шугулланиш;
 - Хукумат топширикларига асосан жамият худудида ташкил килинган музлатгич модулларида мева ва сабзавотларни сифатли саклаш ва ички бозорларга сифатли мева сабзавотларни етказиб беришни таъминлаш.
 - Тайёрлов масканлари худудларида ташкил килинган ахолига майший хизмат курсатиш мажмуаларида ахолига сифатли замон талабларига мос хизмат курсатишни ташкил килиш.
 - Инсинтив тутзорларда тут барги етишириш ҳамда жаҳон бозори талабларига жавоб берадаига сифатли пилла етишириш ҳамда ахолини иш билан таъминлаш.
 - жамият бўйича хисоб-китоб ва хисботни юритиш ҳамда маълумотларни белгиланган тартибда Жамият таъсисчиларига ва тегишли идораларга тақдим этиш.

4.Жамиятда кўрсатиладиган хизматлар бўйича маркетинг стратегияси.

Жамият фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чикиб, маркетинг стратегиясининг асосий масалалари :

- 1) баҳони шакллантириш сиёсати; Пахта ва пахта маҳсулотлари учун нархлар Ўзбекистон республикаси Молия Вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади. Ёрдамчи хўжалик маҳсулотларига нархлар маҳсулотларнинг аниқ вақтда махаллий бозорда шаклланган нархларидан келиб чикиб жамият хисобхонаси томонидан кўлланилади.
- 2) микдор бўйича бозор талаби; Жамиятда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар микдори аниқ вақт оралигига фермер хўжаликларидан қабул қилиб олинган ҳом ашё микдоридан ва ишлаб чиқариш жараёнида белгиланган меъёрлар асосида олинган маҳсулотлар микдори баробарида бўлиши кўзда тутилган. Ёрдамчи хўжаликлар маҳсулотлари микдорида йиллик режадан келиб чикиб амалга оширилади.
- 3) Нав ва сифат бўйича бозор талаби; Жамият ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифати ва харидоргирлигини мунтазам ошириб бориш сиёсатига асосан иш юритади.
- 4) етказиб бериш вақти бўйича бозор талаби индивидуал ҳал қилинади.

5.Корхонанинг ташкилий тузилмаси, жамият фаолиятини ташкил этиш.

Бизнес режанинг амалга оширилишини таъминлаш учун жамият ижро этувчи аппаратининг зиммасига, асосий хизмат вазифаларидан ташкари, режалаштирилаётган йилдаги ҳамда истикболдаги стратегик мақсад ва вазифалардан келиб чикиб қуидаги вазифалар юклатилади:

1. Жамият бошқаруви – директор, молиявий масалалар бўйича директор
2. Кадрлар бўлими
3. Бухгалтерия

Жамиятнинг раҳбар ҳодимлари ва барча бўлимлари мутахассислари жамият вазифавий иш тақсимоти асосида зиммасидаги вазифаларни бажариб, бизнес режанинг ижроси бўйича ўз лавозим йўрикномасига мувофиқ жавоб беради.

6. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва қўшимча харажатлар

2022-йил учун жамият харажат қисми қўйидагилардан иборат бўлади:

“Шеробод пахта тозалаш” Акциядорлик Жамияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Республика худудаларида пахта тўқимачилик ишлаб чиқариш кластерларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019-йил 18-ноябрьдаги №914-сонли қарорини ижросини таъминлаш бўйича “Шеробод пахта тозалаш” АЖ ва унга қарашли пахта қабул қилиш масканлари баҳоланган қийматда 5 йил мuddатда шартнома тузиш орқали “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖга сотилиши қарорда кўрсатилган. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш учун жамиятни Андижон вилоят “KONKURENT ВАНО” МЧЖ томонидан “Шеробод пахта тозалаш” АЖ ва завод қосидаги пахта тайёрлов масканинг бино иношоатлари **11 086 709 026 сўмга баҳоланган ва ООО “VERITAS” томонидан экспертизадан ўтказилган, бундан ташқари “Бўстон” пахта қабул қилиш маскани **1 137 819 725** сўмга, “Дўстлик” пахта қабул қилиш маскани **1 149 222 589** сўмга жами **13 373 751 340** сўмга бино ва иншоатлар баҳоланди ва экспертизадан ўтказилди. Қолган асбоб ва ускуналар **16 675 778 166** (минг сумга) “KONKURENT ВАНО” МЧЖ томонидан баҳоланган ва экспертизадан ўтказилган. Жами бино иншоатлари ва асбоб-ускуналар суммаси **30 049 529 506** сум булиб, “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖ билан “Шеробод пахта тозалаш” АЖ уртасида кучмас мулкни сотиш шартномаси №133/01-сон 2021-йил 01-апрельдан ККС билан биргаликда **11 223 872 500** сумга шартномалар имзоланган. Бундан ташқари асбоб-ускуналар бўйича олди-сотди шартномаси №133/02-сон 2021-йил 01-апрельда ККС билан биргаликда **9 562 282 097** сум, жами бино-иншоот ва асбоб-ускуналар бўйича **20 786 154 597** сумга шартномалар олди-сотдиси имзоланган. 2022-йил 01-январьдан 31-декабрь 2022-йил холатига бино-иншоотнинг тулов графиги 1 йилда **1 951 977 826** сум, ККС билан биргаликда асбоб-ускунанинг 1 йиллик тулов графиги **1 663 005 582** сум. Жами “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖ томонидан 2022-йил учун йиллик тулов графиги **3 614 983 408** сум кластердан пул тушиш режалаштирилмоқда. Шундан **410 485 000** сўм солик тулангунга кадар фойда тушуми режалаштирилмоқда, фойдадан **15%** солик **61 573 000** сум, жамият ихтиёрида коладиган соф фойда **348 912 000** сум, қолган маблаглар **3 204 498 408** сўм “Ўзпахтасаноат” АЖ дан ва солиқлардан бўлган қарздорликларга йўналтирилади.**

**“Шеробод пахта тозалаш” АЖ
бош директори в.в.б:**


H.Турсунов

**Молиявий масалалар
бўйича директори:**


F.Бойназаров